



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITCH PALATASI
INV. №

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 58 (9.097)

1998 йил

20 май, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЮЗАСИДАН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ўтказилган текширишлар жойлардаги ҳокимликлар ва бозор раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли Республика Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 5 мартдаги 82-сон қарори ҳамда «Бозорлардан фойдаланишда тушадиган даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом» ижро қилинганлигини кўрсатмоқда.

Илгаригидек, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бозорларида деҳқон ва фермерларга етиштирилган маҳсулотларини сотиш учун зарур шартнозалар яратилмаган. Олибсатарлар, турли жиноий тизимлар ҳамда бозорлар маъмурияти ходимлари ва раҳбарларининг ўзлари томонидан товланмачилик, қонунсиз йиғимлар, таъйиқ ўтказиш ҳолатлари ўрин олиб келмоқда.

Махсулот етказиб берувчилар билан бевосита шартномаларни тузиш, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини бозорларга олиб келиш, сақлаш ва қўриқлаш масалалари ташкил қилинмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ҳамда Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг жойлардаги идораларининг ўқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш, республика бозорларида зарур тартиб ўрнатиш борасидаги ишлари қонқарсиз деб ҳисоблансин. Улар шунинг ушбу соҳаси учун шахсан масъул эканликларини ҳақида огоҳлантирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига: — бозорлар фаолиятини ташкил қилишда масъулиятсизликка йўл қўйган туман, шаҳар ҳокимларини интизомий жавобгарликка тортиш;

— икки ҳафта муддатда деҳқон бозорлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш юзасидан комиссия тузиш;

— бозорларнинг лаёқатсиз, нопок раҳбарларини ўз вазифаларидан озод қилиш, уларнинг бозор маъмуриятларидаги бошқа лавозимларда қоллишига йўл қўймайлик;

— бозорларни ободонлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш;

— аҳолини қишлоқ хўжалиги, қорвачилик маҳсулотлари ва бошқа кенг истеъмол товарлари билан таъминлаш, бозор маъмуриятлари ходимлари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўриш юклансин.

3. Қўрилган чоралар ҳақида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. М. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. А. Алматов) ва Давлат солиқ қўмитаси (В. С. Беганов)га бозорлар фаолиятини ташкил қилиш устидан назоратни янада кучайтириш, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка бўлган қаттиқ чоралар кўриш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (С. М. Мирсафоев), Олий ҳўжалик суди (М. Э. Абдусаломов) бозор маъмуриятлари томонидан маҳсулот етказиб бериш ҳақида тузилмаган шартномаларнинг сифати ва самардорлигини ошириш юзасидан амалий тадбирлар кўрсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар
Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1998 йил 16 май.

МИЛЛИЙ ДАСТУР — ДАВР ТАПАБИ

КЕЧА

Ҳамза туманидаги 307-мактабда «Ўқитувчи — кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда ҳал қилувчи кўч мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Бу анжуман шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва шаҳар Ўқитувчилар маъласини ошириш институтининг режасига биноан Тошкент шаҳридаги барча умумтаълим мактаблари директорлари ва туман халқ таълими бўлимлари мутасадди ходимлари учун амалий машғулот сифатида ўтказилди.

Анжуман мактаб ҳовлисида ўқувчиларнинг мактаб формасини намойиш этиш билан бошланди. Бунда жойлардаги мактабларда ўзлари жорий этган мактаб формаларини турли хилдагисини йиғилганларга намойиш этилди. Шунингдек, бу ерда ўқитувчиларнинг дарс жараёнида фойдаланиладиган кўргазмалар қўрилган кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Сўнгра мактабнинг туманда қилинган ва қилинаётган ишларининг кўрсаткич жадваллари акс эттирилган жадвал ва фотолархали альбомлар билан иштирокчилар таништирилди.

Йиғилганлар тумандаги илгир 6 та мактабнинг бугунги кунда олиб бораётган амалий ишлари ҳамда тажрибаҳоналардаги ишларини кузатиб керакли таассурот олдилар.

Анжуман сўнгида сўзга чиққан мактаб раҳбарлари қилинган ишлар ва тадбир тўғрисида ўзини-

нг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Улар бугунги кунда ушбу Қонун ва Дастурни амалга оширувчи ягона кўч — бу ўқитувчи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Гулбаҳор МҲМИНОВА.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

• Республика қасаба уюшмалари фаоллари вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда бу йил маъмуриятлар билан ҳамомалар ўртасида тузилган меҳнат шартномасини изчил бажариш чора-тадбирларини муҳофаза этилди.

• Россияда иш ҳақларини ололмаётган қончиларнинг темир йўллари беркиб қўётганлари мамлакат иқтисодиётига жуда катта зиён етказмоқда. Бугун Кузбасс шахтёрлари Сибирь ҳалқа темир йўлини ҳам беркиб қўйдилар. Натияжада Россия бошқа минтақалари билан Кузбасс ўртасида темир йўл поездлари қатнови батамом тўхтаб қўйилди.

• Бугун Россия Президенти Борис Ельцин ҳукумат раиси Сергей Кириенко билан мамлакат қончиларидаги вазиятни муҳофаза қилди.

• Россияда давлат қимматли қозғалари баҳоси кескин қамайиш оқибатида Бош вазир ўринбосари Борис Немцов фикрича, мамлакат биргина 18 майнинг ўзида 14 миллиард доллар йўқотди.

• Туркменистонда мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан Тикланиш ва бирлик кунга катта тантана билан нишонланди.

• Индонезиядаги вазият жойат кескинлашганда қолмоқда. Мана уч ойдан бери норозилик намойишлари ўтказётган студентларнинг қатъий талабларига қарама-дан Президент Суҳарто иштироий равишда истеъфода чиқмаслигини билдирди. У яқин ярим йил ичидан янги парламент сайловлари ўтказишни ваъда қилди. Аммо бундан қониқмаган мухолифатчилар етакчилари бугун Жакарта кўчаларига 1 миллион нафар намойишчини олиб чиқишларини билдирдилар.

• Собик Югославия бўйича алоқа гуруҳи Сербия Президенти Слободан Милошевич Косово албанлари етакчиси Ибрагим Ругово билан музокаралар ўтказганидан сўнг ушбу мамлакатга нисбатан 10 майда эълон қилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилди.

• Югославия парламенти ушбу иттифок ҳукуматида ишонсизлик билдириб, Бош вазир Радой Кончични истеъфода чиқарди.

• Покистон Ташқи ишлар вазири Гавҳар Аюб Хон баъзи оммавий ахборот воситаларининг мамлакатда ядро синовини ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарларини рад этди. Айни пайтда Покистон раҳбарияти Хиндистонда ер ости ядро синовлари ўтказилганига жавобан ўз ядро синовини ўтказиш ниятидан воз кечмаганликлари билдирмоқдалар.

• АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Исроил Бош вазири Бениамин Нетаняху ҳамда фалястинликлар етакчиси Есир Арофат билан Яқин Шарқда боши берк кўчага кириб қолган тинчлик музокараларини давом эттириш юзасидан саъй-ҳаракатлари натижасиз туғди. Исроил Бош вазири фалястинликларга аввалги аҳдлашувларда ваъда қилинган 13 фойза ҳудудни беришдан бош тормоқда.

• Белоруссияда 2000 йилга бориб ишлаб чиқариш ва истеъмол кўрсаткичлари бўйича 1990 йил даражасига етиш энг асосий ижтимоий-иқтисодий вазифа, деб белгиланди.

• «Вечерний Бишкек» газетаси «Демократик жамиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» халқаро мукофоти билан тақдирланди.

ОБУНА — ЙИЛ БҮЙИ

Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшомини»га ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак, «Оқшом»нинг йилнинг иккинчи ярми давомида олиш иштиёқида бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июнга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шунинг ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент



«Оқшом» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган микдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

Абонент қутисига	Уй манзилига
• 1 ойга — 129 сўм	• 1 ойга — 188 сўм
• 3 ойга — 387 сўм	• 3 ойга — 504 сўм
• 6 ойга — 774 сўм	• 6 ойга — 1008 сўм

НАШР ИНДЕКСИ — 209.



КЕЧА

«Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида «Нефть-газ ва табиат ресурслари-98» халқаро кўргазмаси очилди.

Иккинчи бор ўтказилётган мазкур кўргазма «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси ташаббуси билан ташкил этилган. Унинг Ўзбекистон нефть-газ саноатининг ривож учун муҳим ўрин тутиши табиий. Зеро бу йил кўргазмада Буюк Британиянинг «Ки Индустриал Эквипмент ЛТД» компанияси, «Итаг» (Германия), «Дрессер-Ранд Ко» (АҚШ), «Джейсон Гелиосистема БВ» (Голландия), «Викарб» (Франция), «Бовое Дарлинг» (Франция), шунингдек Россия ва Украинанинг қатор корхоналари нефтни қайта ишлаш, газ ва буг турбиналарини

«НЕФТЬ-ГАЗ—98»

тайёрлаш, газларни тўйинтириш, нефть қонларини бургиллаш анжонлари, газ ва нефть қувурлари ҳолатини диагностика қилиш асбоблари ва ҳар хил хизмат турларини намойиш этишмоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, 1994 йилда республика нефть-газ саноатига хорижий инвестициялар киритилмаган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич 500 миллион АҚШ доллари даражасига етди. 2000 йилга бориб эса таъки инвестициялар ҳажми 1 миллиард доллар даражасига етиши кутилмоқда ва бунда Япония ва АҚШнинг «Экзим» банклари, Германиянинг «Коммерц банк»и етакчи ўрин тутди. Бу эса бой

табиий ресурсларга эга Ўзбекистон билан етакчи хорижий компанияларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишидан далолатдир.

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Нефть-газ—98» кўргазмаси доирасида Буюк Британиянинг ИТЕ компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг Усопорт минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» халқаро конференцияси ўз ишини бошлади.

Унда 19 мамлакатдан келган 150 дан ортиқ мутахассислар иштирок этмоқда. Анжуманда Ўзбекистон нефть-газ индуст-

риясининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, Европа комиссияси Энергия департаментининг нефть-газ саноати соҳасида халқаро ҳамкорлигининг ўрнатилишидаги роли, Ўзбекистонга етакчи хорижий компанияларнинг технология ва инвестицияларини киритиш масалалари юзасидан маърузалар қилинмоқда.

Жаҳоннинг етакчи компаниялари иштирок этаётган «Нефть-газ—98» халқаро кўргазмаси нефть ва газ мустақиллигига эришаётган республикамизнинг ушбу тармоқларининг келгусидаги ривож, хорижий ҳамкорлар билан амалий алоқалар ўрнатилишига пухта замин яратди.

Дилшод ИСМОИЛ.
СУРАТЛАРДА: «Нефть-газ—98» кўргазмасидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

21/24, 22/23, 133, 137- АТСлар хизмат кўрсатадиган ҳудудларда яшовчи ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Аҳоли маблағларини жалб этиш асосида алоқа линиялари қурилиши муносабати билан очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти амалдаги «Маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қондалари»га хилоф тарзда ва очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамиятидан ваколатга эга бўлмаган телефонлар ўрнатишни таъкид этувчи шахслар томонидан эҳтиомолда кўзда тутилган қонунга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлардан

ЭҲТИЁҚОР БЎЛИШЛАРИНИ сўраб мурожаат қилади.

Телефон ўрнатиш бўйича, жумладан, аҳоли маблағларини жалб қилиш билан боғлиқ керакли ва зарур масолаҳатларни очик турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамиятининг Х. Асомов кўчасидаги 2-уйдаги манзилида жойлашган Марказий филиалидан олиш мумкин.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

21 майдан 1 июнгача «Гулобод» («Марказ-26») мавзесидаги 1, 2, 3, 4, 5, 1-а, 2-а, 9, 10, 11, 15-уйларда истиқомат қилувчи 42/49-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмади.

Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» хиссасдорлик жамияти.

Саҳифани «Тошкент оқшоми» мухбирлари
Гулзода МАМБЕТОВА ва Рустам ШАРИПОВ
(сурат) тайёрлашди.

гапирадиган бўлсам, у саккиз йилдан буён фасолият кураётқо-
да. Бизнинг асосий вазифамиз — амалий уйинлар, ақл кучи
ишлатиладиган тадбирлар,
ўқувни ўтказиш воситасида ян-
ги интеллектуал махсулотни
ташқил этишдан иборат.

- 1 -

Асалхон ҳақида гап кетса ҳаммининг оғзидан бол татийди. Кўни-қўнино қариндош-уруғлар, таниш-билишларга хушмуомаласи билан ёкиб тушган. Одамларнинг ичига сингиб кетган. Яқинларнинг бирон маросимию таомили усиз ўтмайди. Ҳаммасига бош-қош, фармонбардор. Тўй-ҳашамми, туғуруқми, маъракаи ўтказилганда халқимизнинг азалий удуларини оширмай-тоширмай ўрнига қўйишда кўмагини аямайди. Ушватмасдан учратмас деганларидай унинг турмуш ўртоғи Азимжон ҳам кўп одамшаванда, ҳожатбарорлиги билан танилган. Махаллада бўладиган тадбирларни бажо келтиришда фаоллик кўрсатиб туради. Кишиларнинг оғирини енгил қилишда беминнат кўмакдош. Каттани каттадай ҳурмат иззатию, кичикларга ғамхўрлик кўрсатиш билан кўпчилиكنинг кўнглини кўтарган.

— Бу эру хотинларнинг оила тутишдаги саранжом-саришталгини айтмайсизми. Хонадондаги ёғ туша ялагудай озодалик, тартиб-орас-таликини кўрсангиз, уни худди янги келин тушган уйга ўхшатасиз. Фарзандларни тарбиялашда ҳам булар кўнларга намуна бўлгудай. Уч фарзанднинг каттаси ўғил, кичиклари қизлар бўлиб, бари ўқув ёшида. Оиланинг тўнгичи Турғун эркакгина, шўҳина бўлса-да, аммо ота-онанинг йўригидан чиқмайди, айтганларини қилади, сингилларига озор бермайди. Болалар ўқишда, интизомда намуна кўрсатиб, ота-оналарининг юзларини ёруғ қилиб келишарди.

билан ойижонисию адажонисини бунчалик ташвишга солмагани. Унинг кўзи «очилди. Айрим қилиги совуқ, бебош синфдошларнинг сўзларига лақиллаб, ҳатога йўл қўйганини пайқайди. Иккинчи бундай номаъқул иш қилмасликка сўз берди. Боланинг ўз хатосига иқдор бўлиб, берган ваъдасига ота-онаси ҳам ишониди. Ишонибгина қаноатланмай, ўз фарзандларининг ҳар бир ҳаракатини қадамни синчковлик билан кузатадиган бўлишди. Тўғри қилишди!

Мен бу воқеани баъзи ота-оналарга сабоқ бўлар деган илнжда батафсил келтирдим. Очиғи, фар-

- 3 -

ририятида ишлаб турган чоғимда, Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасидаги болалар уйига иш билан боргандим. Шунда мен болаларнинг илтимоси билан уларни Абдулла Қодирийнинг шу яқиндаги боғига олиб киргандим. Бизни ўрта бўйли, қорачадан келган, истараси иссиқ, белида белбоғ, қўлига тоққайчи тутиб гулларни қайчилаб юрган деҳқон табиат киши кутиб олди. Қирқ ёшлар чамасидаги бу кишини дарров танидим. Болалар тортишиб, бир-бирларининг орқаларига ўтишди. Абдулла ака очик чехра билан: «Келинлар, болаларим, келинлар!» деб оталарча мулоим муомала билан кутиб олди. Кейин фарқ пишиб, тағига тушиб ётган луччак шафтолилар билан меҳмон қилди. Болаларнинг ўқишлари, ишлари устида илқ суҳбатлашди, сўнг уларнинг сўровларини қондириб, китоб совға қилиб, беҳад севинтирдилар. Шу учрашувда билдимки, Абдулла Қодирий боғбонлик ишини ҳам яхши кўрганан. Ижоддан бўш вақтларида боғдаги гуллар, мева-ларни парвариш қилиб туриши бекор кетмас экан. Балки қўли гул меҳнаткаш инсонлар образларини қаламга олганда, уларнинг таби-

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси шу йилнинг май ойига қадар пойтахтда 132 та диний ташкилот низомиларини давлат рўйхатига олган. Улардан 102 таси — ислом динига, 25 таси — христиан динига ва қолган бештаси бошқа динларга мансубдир.

Ҳозирги вақтда Адлия бошқармаси томонидан қуни кеча амалга киритилган янги тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш учун қилинаётган ишлар тўғрисида бошқарма бошлигининг ўринбосари Акмал Инонбоев билан суҳбатлашдик.

— Акмал Махмудович, янги тахрирдаги Қонуннинг асосий хусусиятлари нимадан иборат?

— «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги аввалги Қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлиб, биз у пайтлар ҳали собиқ иттифок таркибиде эдик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз суверенитетига мос бўлган Асосий Қонун — Республикаимизнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Шундан сўнг собиқ иттифок даврида мавжуд бўлган барча қонунларга Конституциямизга мос равишда халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритила бошланди. Худди шундай миллий-маънавий қадриятларимиздан келиб чиққан, Асосий Қонунимизга мувофиқ бўлган ҳолда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонунни ҳам қабул қилиш зарурияти туғилганлиги табиийдир.

Бу ўринда Қонунда виждон эркинлиги қафолатланганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

— Қонунда диний ташкилотларни рўйхат-

жалб қилмоқчиман. Диний ташкилот ёки масжид очилмаган бўлса, амалдаги қонун бўйича фаолият юритиш ҳақида албатта ўзига аниқ мажбуриятлар олиши керак.

Диний ташкилотлар раҳбарлари ўз фаолиятлари учун масъулиятларини ҳис этишлари лозим.

Илгари 10 кишидан иборат фуқаролар гуруҳи ташаббуси билан диний ташкилот тузилишига рухсат

ХУКУК

РҲҲАТДАН ҲТШ — РАСМҲЯТЧИПҚ ЭМАС

га олиш, уларнинг фаолияти масалаларига кенг ўрин берилган. Айтилган, мохиятан ёндошганда диний ташкилотнинг ўзи нима?

— Диний ташкилот дейилганда диний таълим муҳлисларининг диний эҳтиёжларини биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўзини ўзи бошқарадиган уюшма тушунади. Диний ташкилот республикаимизнинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

— Янги тахрирдаги Қонунда диний ташкилотлар борасида қандай ўзгаришлар киритилди?

— Энг аввало Президентимизнинг Олий Мажлиси XI сессиясида сўзлаган нутқида рўйхатдан ўтишга арзишмаган расмийлик деб қаралмаслигига эътиборни

берилган бўлса, ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида доимий истиқомат қиладиган ташаббускор фуқаролар сони юзтадан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, диний ўқув юртлири хусусида шунга айтиш мумкинки, авваламбор бундай ўқув масканлари республика Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли рухсатнома олганидан кейингина фаолият юритиш ҳуқуқини қўлга киритади. Диний ўқув юртлирига фуқаролар умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейингина қабул қилинади. Хусусий йўл билан диний таълим бериш қонунга мувофиқ таққиланади.

— Диний ташкилотлар қандай тартибда рўйхатга олинади?

— Ташаббускор фуқаролар гуруҳи ўз Низоми, таъсис йўғилишининг баёни, ташкилот манзилини тасдиқловчи, рўйхатга олиш йўғими тўлангани тўғриси-

даги ҳужжатларни топширган ҳолда Адлия бошқармасига диний ташкилотни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Диний ташкилотлар ва уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддат ичида қўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб этиш ва лозим бўлган тақдирда тегишли идораларнинг эксперт хулосасини олиш ҳуқуқига эгадир. Шундай ҳоллар юз берганда қарор ариза берилган кундан бошлаб уч ой вақт ичида қабул қилинади.

Таъсис ҳужжатлари тўла-тўқис ва нуқсонсиз бўлса, диний ташкилот давлат рўйхатига олинган, юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун доирасида фаолият юрита бошлайди.


Агарда таъсис ҳужжатларида қонун талабларига жавоб бермайдиган камчиликлар мавжуд бўлса, топширилган ҳужжат давлат рўйхатига олинмасдан қайтариб юборилади ва диний ташкилотни рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда қарор ариза берувчиларга юборилади. Ташаббускор гуруҳ ўз Низомини қонун ҳужжатларига мос равишда қайта ўзгартирганидан сўнг уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан республика Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиши мумкин.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

Муносабат

ҲАКИМ НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СУЯНЧ ТОҒЛАРИМИЗ



Булар ўртасидаги апоқ-чапоқлик, иноқликни кўрганларнинг ҳаваси келади. «Асалоининг фарзандлари ҳам ўзига ўхшаган ақли чиқшиди-да. Бирам хулқ-одоблари чиройлики суясанг суйгудай барака топгулар!» деб алқашарди. Асалоий билан Азимжон ўз болаларини ортиқча эркаклатишмасди-ку, бироқ усти-бош, тамаддуқ ва бошқа керакли нарсалар билан етарли таъминлаб қўйишарди. Уйда дарс тайёрлаш учун тегишли шариот яратиб берилган. Алоҳида бир уйни дархонага мослаштириб стол, стулар, китоб, дафтарлар билан етарли таъминланган, доскаю, журфодия хариталарига.

Ана шундай бадастур, ҳар жиҳатдан ўрнатилган оила кўрғони лат ёб, бирон кўнгилсизликнинг келиб чиқишига ҳеч қандай сабаб йўқдай қўринади. Ҳаёт эса мураккаб, сал йўл қўйилса унинг турфа хил бурилишлари, кутимланган ташвиш, ғалвалари ҳам келиб чиқиши мумкин экан. Мана ўғилча Турғуннинг ёши ҳам ўн бешга қадам қўйиб, шунга яраша баъзи эрканамо қилиқлари оша боргандай бўлди. Ота-она ва болалар орасида шу чокқача пул ёки бошқа бирон нарса билан боғлиқ хархаша чиққанмасди. Болаларга бирон нарса зарур бўлиб қолса, Асалоий эрини безовта қилиб ўтирмасдан, ўзи тинчитиб келарди. Кейинги пайтда Турғун кунига овқатга деб ойиси берадиган пулга қаноатланмай қолди. Яна қўшиб беришини талаб қилди. Ойиси «Нега?» деса, ўртоқлари билан кинога тушмоқчи эканини билдирди. Шундай талабни бир неча бор такрорлади. Бунинг устига мактабдан ҳеч қайтадиган бўлиб қолди. Шундан сўнг Асалоҳон бунчи эрига айтишга мажбур бўлди.

— Чакки бўпти-да! — деди Азимжон бунчи эшитиб. — Ўсимир болани пулга ўргатиш яхшимас. Бошданок бунчи менга айтсангиз бўлмасмиди-а!

— Озгина пулни деб сизни безовта қилгим келмади, адаси! — деди Асалоҳон безовталаниб.

— Гап пулининг оз-қўпчилигидаси. Уни нималарга сарфлашди, — деди Азимжон оғирсиниб.

Эр-хотин бир-бирларига савол назари билан термулиб қолишди. Сўнг Азимжон катъий деди:

— Бу хатони дарров тўғрилашимиз керак!

Кечкурун улар Турғунни олди-ларига ўтқизиб, гапга солишди. Ўқишларини суриштиришди. Турғун гўё ҳеч нарса бўлмагандай, «якши» деб жавоб қилди. Азимжон тинчланмасди. Эртаси эрталаб мактабга борди. Синф раҳбарига учрашди.

— Жуда яхши келдингиз-да, Азимжон ака, — деди синф раҳбари. — Ўзим ҳам учрашмоқчи эдим. Ўғилчангиз синфдаги аълочилардан бири ҳисобланади. Негадир кейинги кунларда ўқиш пасайиб кетди. Сабабини суриштириб, охири билдим. Айрим ўзбошимча ўсимирлар қаторига кириб, беҳуда дайдишга тушибди. Тўғрироғи, нариги маҳалланинг пасткам бир жойида очилган пуллик видео томошасига борадиган бўлибди. Ўзингизга маълум бола бузуқ томошаларга бериладиган бўлса, ўқишга ҳафсаласи қоладими? Биз ушанака ярамас таъсирлардан ўқувчиларимизни қутқариш учун қўлимиздан келган чораларни қўяпмиз. Бу ишда сиз — оталарнинг ёрдамчилигига муҳтожмиз!

Азимжон ишдан қайтган, хотинини мактабда бўлган гапдан хабардор қиларкан, Асалоҳон:

— Яхшим вақтида суриштирганингиз-а! Бўлмаса гафлатда қоларканмиз, — деди серкак тортиб.

Кейин ўғилча билан очикчасига сўзлашди. Турғун бола бўлиб ўз ота-онасидан бунчалик дашном эшитмаган, тўғрироғи, ўз қилгулиги

занд тарбиясидай оғир, мураккаб ишни жойига қўйишда қийналадиган ёки бепарволикка ўрин берадиган ота-оналар учраб туришарди. Агар шундай бўлмаса мактабларимизда таълим соҳасидаги мушкулликлар, оилаларимизда тарбия борасидаги қийинчиликлар тезроқ барҳам топмасмиди? Болани тарбиялаш фақат яхши едириб, қийин-тиришдан иборат бўлмай, аввало маънавиятга алоҳида эътибор қаратиш зарур экан. Бунда ота-онанинг хусусий намуналари ҳал қилувчи ўринга эга. Дарҳақиқат бола биринчи галда ота-онанинг йўлида қилган ҳаракатлари, ўзларини тутишлари, болаларга ва бошқаларга қилган муомалалари, яшаш тарзларидан андоза кўчиради, намуна олади. Қуш ўқига кўрганини қилади, деб бекорга айтишмайди. Ота-она сўзда ва ишда тўғрилик, ҳалоллик, ростгўйликка риоя этса, қишларга яхшиликни раво қўрса, меҳнатга астойдил берилган бўлса, болага ҳам бу одатлар юқмасдан иложи йўқ. Ҳа, шахсий ибратда гап кўп. Ота-оналар ўзларининг бўш вақтларини нечоғлик керакли юмушларга сарфлашлари ҳам боланинг юрши-туришига таъсир этмай қолмайди.

Ҳамонки гап бўш вақтдан фойдаланиш масаласига тақалган экан, бу хусусда алоҳида тўхталишга эҳтиёж сезаман. Фарзандларнинг мактабдан ташқари вақтлари кўп соатларни ташкил этадики, бу вақтларини қандай ўтказишларига бефарқ қараб бўлмайди. Чунки турмушда ҳар қандай тартибдан кўнгилсизликларининг кўпи ана шу қимматли соатларни бекорга совиришдан келиб чиқади-да. Ахир дунёда энг қадрилли, энг қимматли нарсалардан бири ҳам вақт, фурсат эканлиги маълум-ку! Фурсатнинг ҳар соати, ҳар дақиқасини ғанимат билиб, улардан умумли фойдаланиб, керакли ишларга сарфлаган одам ўқийди. Ўзини, бошқаларга яхши манфаат етказган бўлади. Донолар: «Вақтинг кетди» — нақдинг кетди», «Қолган ишга қор ёғар» деб бекорга айтишмаган. Вақтини беҳуда совириб юрган одамда кези келиб шундай пушаймонликлар туғиладики, бундан фойда йўқ. «Кейинги пушаймон, ўзинга душман» деб айтишлари бежизмас. Бунга яхши аналган кишилар фақат асосий хизмат соатлариданмас, қолган бўш соатларидан ҳам мазмундор ишлар учун фойдаланишдан, дақиқаларни унар-унмасига сарф этишмаган.

Катта-катта олимлар, кашфиётчилар, санъаткорлар, бошқа атоқли мутахассислар ўз-ўзидан юзага чиққан дейсизми? Улар қимматли вақтлардан оқилона фойдаланиб, тер тўкиб меҳнат қилиш орқасидигина салмоқли ютуқларни қўлга киритишган. Биз айрим атоқли олим, фозил кишиларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланганини, теннис майдонида қизгин машқ қилишганини, яхши кинолар кўрганини, китоб мутолаасига берилганлиги беҳад деҳқончилик ва бошқа ишлар билан шуғулланганларини биламиз. Мисол учун Чехов ёзувчилик ишини докторлик билан қўшиб олиб боргани, Лев Толстой бўлса ижодий ишдан ташқари вақтларда қўлга белкурал олиб экин-тингига аралашгани, баъзан қосиб қурсидада ўтириб оёқ қийим тиккани маълум. Мана шу машғулотлар уларнинг жисмоний ҳам маънавий чинқишларига қанчалик йўл олган дейишарди. Ўзимизнинг машҳур адибимиз Абдулла Қодирийни мисолга олайлик. Мен у киши билан ҳаёт чоғида кўришиб, суҳбатини эшитган бахтли одамларданман. Бундан олтимчи беш йилча бурун «Ленин учқунини» (ҳозирги «Тонг юдузи») газета тах-

тини, хатти-ҳаракатини ёритишда ёзувчига иш бераркан.

Шу муносабат билан ўзимнинг болалик йилларим эсимга тушади. Болалик йилларим тинимсиз меҳнат билан ўтган десам муболага қилмасман. Онам отин бўлиб, уйда маҳалла қизларини ўқитганлар. Мен ҳам олти ёшимдан шулар қаторида ўқиганман. Кечкурунлари эса уйимизга қўшни хотинлар тўпанишиб, китобхонлик қилишарди. Навойи, Фозулий, Машраб, Суфи Оллоёр шеърлари ўқиларди. Эртақ-достонлар айтишарди. Мен уларни жуда қизиқиб тинлардим, ёққан жойларини ёдимда сақлаб қолишга интилардим. Дадам уста қосиб эдилар, бола махси тикардилар. Ўқишдан бўш вақтларимда дадам мени ёнларига ўтказиб, махси тикишни ўргатардилар. Аммо мени кўпроқ китобхонлик ўзига тортиб турарди. Бўш вақтларимнинг барини китоб мутоласига берадим. Китобга бўлган мана шундай қизиқчи кейинчалик мени абадий ихлодга, ёзувчиликка олиб келган омиллардан деб биламан.

Шундай қилиб, бўш вақтини керакли ишларга сарф этишни одат қилган одам англисизмас экан.

Фарзандларимизга ҳам дарслардан ташқари вақтларини бекор кет-кизмасликни маслаҳат берадим. Албатта ўқувчилар орасида буш вақтларини мактабнинг жамоат ишларига, тўғаракларда қатнашиб, турли хунларлар ўрганишга сарфлайдиган, уйда отаси, онаси буюрган дастурлик юмушларига қарашадиган, қариялар, ногиронларга ёрдам бериб дуоларини оладиганлар анчагина топилади. Китоб мутоласига берилган болаларни ҳам учратиб турадим. Лекин шулар қаторида қимматли вақт-соатларини беҳуда нарсаларга лақиллаб исроф этаётганларнинг ҳам борлиги одамни ачинадир. Баъзан дарсларга ям бормасдан бозор-учарларда олди-сотди билан вақт ўтказётган болалар ҳам учраб турибди. Бекорчилик кўчасига кириб, безориларга илашган, милиция қўлига тушиб, ота-онани ташвишга солаётганларни айтмайсизми? Айниқса (юқорида кўрсатилгандай) айрим болаларнинг қимматли вақтларини ўзравонлик ва беҳаёликни акс эттирувчи олди-қочди видеокассеталарни кўришга сарф этаётганлари кечирмаслик бир ҳолдир. Умуман, одамлар ахлоқ-одобини бузишга қаратилган, миллий одатларимизга мулғоқ зид бўлган томоша воситаларини, шунингдек айрим китоб дўконларида уянтсиз китобларнинг сотилишини ман этиб, вақтини чекаб, ҳокимлигимиз савоб иш қилди.

Фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ гоёт долзарб муаммоларни ҳал этишга даставвал ота-оналар, улар билан бирга мактаб жамоалари ва маҳалла қўмиталари қўлни-қўлга бериб, киришлар соз бўларди. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли уюштиришни дурст йўлга қўйган мактаблар ва ота-оналарнинг яхши таъбирларини кенг омаллаштириш лозим.

Ҳа, келажакда буюк давлатни қуришда биз азиз фарзандларимизга қолдирган қадриятлар, маданий-маърифий меросларини кут билан эғаллаётган, севилиб юртга сиқидилган берилган, уйдабурро, фидойи, кенг савияли қадрларимизга ишонамиз. Хонадонларимизнинг, Ватанимизнинг қўрқни, шаън-шавакати шулар қўлида. Ишонган боғларимиз, суянган тоғларимиз шулардир!

Нихол



ЕРНИНГ

ПЛАНИ

Бобомлар-ча ернинг ҳам

Тили бор — сўзлар эмиш.

Ер сўзласа эл-юртнинг

Унинг ақли бўлса ҳам,

Бахтини кўзлар эмиш.

Мен ҳеч кўрган эмасман.

Ишонмадим аввалам.

Бобом дерлар уқтириб:

Ернинг тили бор, болам.

Ҳали ерла, сўзлашиш,

Ешсан, келмас қўлингдан.

Ер тилини ўргансанг,

Чечак унар йўлингдан.

Уни кўр дерлар, болам!

Ҳавас билан боқаман.

Поёни йўқ бог-чапан

Меҳрин дилда ёқаман.

Тап-тақир чўли ҳам сен,

Парвариш эт, гулайди.

Меҳнат қилсанг экан болам,

У кунингга ярайди.

Ернинг гапиргани шу.

Меҳнат пешона тери.

Бу ерлар томчи сувга

Зор эди кўндан бери.

— Тўғри, бобожон, — дейман

Белларидан қучоқлаб,

Бобомлардек бўлишга

Мен ҳам ўзимни чоғлаб.

БИЛАСИЗМИ,

БОЛАЛАР?

Зўравон ким, кўрқок ким,

Биласизми, болалар?

Буларнинг ҳар иккиси —

Кўрқок, кўзи олар.

Зўравонлик — номига,

Асли кўрқок ўзлари.

Сагал гапга жириллаб,

Ола-қула кўзлари.

«Кел, қўй» десанг қармай,

Ёқангиздан тутайди.

Бундай мақтанчоқлардан

Ким полвонлик қутади?

Полвон бошқа билсангиз,

У оғир юввош бўлар.

Бир кучин кўрсатсам,

Қўрқ болага бош бўлар.

Керилмас ҳам у сира,

«Ман-ман»лиши хушамас.

Ўртоқларинг ҳурматлар,

Ёқасидан ушласам.

МАСИЧА

Томимиз тарновига

Қўшиб икки мусича,

Набат билан «ку-ку»лашар,

Тинимлари йўқ пича.

Нима, баҳор келди депми

Кўвончидан ўйнашар,

Бола очмоқ бўлишару,

Сўзига қорни ўйлашар...

НИЧОЧА

Менинг икки қизим бор:

Райҳона-ю, Раҳмона.

Улар менинг ўтиб кетган

Саломатлик

Республикамизда 19 майдан 21 майгача полиомиелит касаллигига қарши болаларни оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Полиомиелит инсониятга қадим замонлардан маълум. У ўткир юқумли касалликдир. Бунда марказий асаб тизими зарарланади. Дард фалаж билан ёки фалажсиз кечади. Илгари айниқса, болалар ўрта-сида кенг тарқалган бўлиб, полиомиелит оқибатида минглаб гўдаклар ногирон бўлиб қолар эди.

Касалликни кўзгатувчи вирус ташки муҳитга чидамли. Масалан, у сувда, сут маҳсулотларида икки, уч ойгача тирик сақлана олади. Қайнатилганда, водород пероксид ва формалдегид таъсирида эса ҳалок бўлади. Ультратрабионаша нурлари ҳам вирусни тезда ўлдиради. Полиомиелит ёз ва куз ойларида

кўпроқ учрайди.

Касаллик бемор билан ёки касаллик кўзгатувчисини ташиб юрувчи билан мулоқотда бўлганда юқадди. Вирус ҳаво, томчи йўли орқали аксирганда, йўтал-

ринда оғриқ пайдо бўлиши ва ич кетиши кузатилади. Бу белгилар 4—5 кундан кейин ўтиб кетади. Бир ҳафтадан сўнг тана ҳарорати яна кўтариледи ва мускуллар, айниқса оёқ-

сина чидамли иммунитет яратишга қобилиятли бўлиб қиқди. Полиомиелитга қарши вакцинали эмлаш ўзини оқлаганлиги бутун дунёга маълум. Болаларни ёппасига эмлашни амалга ошириш туфайли касаллик тез каймайди, баъзи минтақаларда у оммавий хасталик сифатида бутунлай тугатилди.

1988 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2000 йилгача полиомиелитни йўқотиш масаласини қўйди. Шу мақсадда амалда қўлланилаётган эмлаш жадвалидан ташқари республикамизда миллий иммунизация кунлари ўтказилмоқда. Бунда 5 ёшгача бўлган барча болаларга илгари олган эмлашларидан қатъи назар бир ой оралиғида икки дозали вакцина юборилади. Полиомиелитнинг олдин олиш учун суяк ҳоддаги тирик вакцинадан фойдаланилади. У болада деярли ҳеч қандай қўшимча салбий ҳолатларни келтириб чиқармайди.

Дилором САИДОВА,
9-оилавий шифохона педиатри.

ЭМЛАШ КУНЛАРИ

ганда, шунингдек ифлосланган сабзавот, мева, қайнатилмаган сув, сутни истеъмол қилганда танага ўтади. Касаллик юқанидан бошлаб касаллангунча икки кундан 35 кунгача вақт ўтади. Фалажсиз полиомиелит юқори нафас йўлларининг ўткир катарли сифатида ёки меъда-ичак фаолиятининг бузилиши кўринишида кечади.

Фалаж билан кечадиган касаллик ўткир бошланади: беморнинг тана ҳарорати 38—39 даражага кўтарилади, йўтал, аксир, томоқ оғриши, қо-


ва қўллар фалажи авж олади. Бу аъзолар натижада ўсишдан орқада қолади, шу билан бола ногирон бўлиб қолади.

Бу муҳим касалликка қарши қандай курашиш мумкин? Унинг бирдан бир чораси профилактик эмлашдир. 1908 йилда Австрия олимилари томонидан полиомиелит касаллигининг кўзгатувчиси кашф этилди. А. Сейбин томонидан 50-йилларда топишган, барча учта антиген турларини ўз ичига олувчи кучсиз тирик вак-

Шаҳар «Тез тиббий ёрдам» клиник касалхонасида беморларни барокамерада даволаш усули ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТДА: ҳамшира Татьяна Литвинова беморни навбатдаги муолажага тайёрламоқда.

Рашид Галиев олган сурат.



Шаҳримизда «Кизил олма» халқаро дастурининг Ахборот хизмати иш бошлади. Шу муносабат билан Америка бизнес марказида АКШ халқаро тараққиёт агентлиги SOMARC лойиҳасининг асосий йўналиши бўлиши «Кизил олма» дастури бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Хабарнингиз борми?

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ИШ БОШЛАДИ

«Кизил олма» дастурининг асосий мақсади ишончли контрацепция воситаларини қўллашга ёрдамлаштириш. Шунга қўра янги Ахборот хизмати аёлларимизга контрацепция воситалари ҳақида маълумот беришга мўлжалланган. Бундай хизмат республикамизда икки шаҳар — Тошкент ва Самарқандда иш бошлади.

Шаҳримиздаги хизмат нуктаси «Фармед» хусусий фирмасида жойлашган бўлиб, хотин-қизлар уйлари ёки иш жойларидан қўриб фирмага кўн-ғироқ бўлиши билан ўзларини қизиқтирган маълумотларни оладилар. Ахборот хизматининг маслаҳатига қўра мижозлар шифокор тавсияси билан контрацепция воситаларини «Фармед», «Журабек», «Фармако» дорихоналаридан сотиб олишлари мумкин.

Матбуот анжуманида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили жаноб Жозеф Диммерхейт, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассиси Феруза Раҳматуллаева, «Фармед» хусусий фирмасининг директори Дилором Тошмуҳамедова, «Фючерс групп» компанияси директори Маргарита Гокун Сильвер журналистлардан тушган саволларга жавоб беришди.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

Таносил касалликлар қадимдан маълум. Бу ҳақда Гиппократ, Абу Али ибн Сино ҳам ўз асарларида ёзганлар. Айни замонда бу касалликларнинг баъзи турлари кенг ёйилмоқда. Улар каторига захм, сўзак, трихомоноз, чов лифазга-нулематоз, юмшоқ шанкр ва СПИД кирди. Булар орасида кенг тарқалганлари захм, сўзак ва трихомоноздир.

Касалликлар асосан жинсий йўл орқали, яъни шу касалликка чалинган одам жинсий алоқа қилганда, баъзан эса акин маиший алоқада бўлганда, ушбу касалликни чакирувчи манба билан ифлосланган буюмлар орқали ҳам юкиши мумкин.

Бу касалликлар одам соғлиғига зарар етказиши билан бирга тинч-тотув оиланинг бузилишига, ногиронликка, фарзанд кўрмаслик (бегучилик) асоратларига, оналардан носоглом фарзанд туғилишига олиб келади.

Республикамизда ҳам бу касалликлар учраб турибди. Бу иллат асосан ўсимирлар, ёш йигит-қизлар орасида кўзга ташланади. Захм касаллигини оқиш трепонемалар ёки спирохеталар, деб аталувчи микроблар юзага келтиради. У билан касалланган беморлар терисида, ички аъзоларида, нерв тизимида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, улар уч даврага бўлиниб кечади. Соғлом одамда касаллик белгилари захм билан оғриган бемор билан алоқа қилган, уч-тўрт ҳафтадан кейин пайдо бўла бошлайди. Касаллик микроблар тушган тери ёки шиллиқ қаватларида қаттиқ яра пайдо бўлиши билан бошланади. Бемор бунда ҳеч қандай оғриқ ёки умумий аҳолига таъсир этувчи белгиларни сезмайди. Яра пайдо бўлгандан кейин бир-икки ҳафта ўтгач, ярага яқин лимфа туғунлари катталашади ва уларда микроблар пайдо бўла бошлайди. Улар икки-уч ҳафта ўтгач, қонга ўтади. Бунда беморнинг боши оғрийди, бўғимларида оғриқ, дармонсизлик пайдо бўлади, иштаха бўғилади, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади.

Касалликнинг иккинчи даври тери ва шиллиқ қа-

ватларда тошмалар топиши билан бошланади. Тошмалар бироз вақт пайдо бўла туриб, аста-секин ўз-ўзидан из қолдирмай йўқолиб кетиш хусусиятига ҳам эга. Тошмаларда қичиш, оғриқ белгилари кузатилади. Улар икки-уч йил давомида бир неча марта пайдо бўлиб, даво қилинмаса ҳам ўз-ўзидан ўтиб кетади. Шу даврда ички аъзоларда, асаб тизимида ўзгаришлар юз беради.

Ички аъзолардаги ўзгаришлар жигар ва талокнинг катта-

Шифокор маслаҳатли

БУ БАПОДАН
САҚЛАНИНГ

лашиши, улар функцияларининг бузилиши, юракда миокардит (дармонсизлик, тез чарчаб қолиш, нафас бўғилиши) ривожланиши билан бирга кечади. Нерв тизимидаги ўзгаришлар эса уйқунинг бузилиши, ҳеч қандай сабабсиз ҳахл қичиш белгилари билан намоён бўлади. Бўғимларда оғриқ пайдо бўлиб, у кечга яқин кучаяди. Шу билан бирга беморда соч тўкилиши ҳоллари юз бера бошлайди. Касалликнинг биринчи ва иккинчи даври энг юқумли давр ҳисобланиб, бемор атрофдагилар учун хавфлидир, зотан теридagi тошмалар юзасида қўллаб микдорда касалликни чакирувчи микроблар учрайди.

Агар бемор шу даврда шифокорга мурожаат этиб даволанса, юқоридаги касаллик белгилари ва ўзгаришлар асорат қолдирмай ўтиб кетиши мумкин. Даволамган ҳолларда эса захм учинчи даврга — касалликнинг энг оғир кўринишига ўтади. Бунда тери ва ички аъзолардаги ўзгаришлар қайта тикланмайдиган оғир асоратларга олиб келади. Тошмалар териди, ички аъзоларда, суяк, тоғай тўқималарида жойлашиб, ўзидан кейин чандиклар қолдиради. Бу чандиклар бурун суяқларида, танглай, тоғай тўқималарида жойлашиб, шу аъзолар тузилишининг бузилишига сабабчи бўлади. Агар тошмалар ички аъзоларда жойлашган бўлса, бу аъзолар иш фаолиятининг бузилишидан тортиб, то ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.

Касалликнинг ҳеч қандай белгиларсиз кечадиган яширин кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозир қўллаб ҳеч қандай нохуш белгиларни сез-

майди, лекин у атрофдагилар учун хавфлидир. Агар бундай беморнинг қони соғлом одамга қуйилса, касаллиги юқадди. Ҳомиладор аёлларда эса, ҳомила захми ривожланади. Захмининг яширин кўринишлари режа асосида амалга ошириладиган профилактик тиббий кўриқларда, улар бошқа касалликлар сабабли текширилганда ёки бирон-бир эҳтиёжга қўра қон топширғанда аниқланади.

Касаллик фақат беморнинг

ланмаса ёки нотўғри даволанса, касаллик оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Бу эркакларда жинсий заифлик шаклида намоён бўлади. Касаллик асоратларидан яна бири яллиғланиш натижасида уруғ ўтказувчи йўллари-нинг битиб (ёпишиб) қолиши ёки жинсий ҳужайраларнинг умуман ишлаб чиқаришмаслигидир. Натижада бу эркакларда ҳам, аёлларда ҳам бола бўлмаслигига, яъни бепушликка олиб келади.

Таносил касалликлар билан оғриган беморлар ўз вақтида мутахассис шифокорларга мурожаат этиб, фақат дерматовенеролог назорати остида даволансалар, юқоридаги асоратларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Бу касалликларни даволаш махсус йўриқларда кўрсатилган даволаш усуллари орқали амалга оширилади. Лекин касалликни даволагандан қўра унинг олдини олган маъқул. Бу юқоридаги асоратларни бартараф этишнинг энг қулай ва осон йўлидир.

Касалликнинг олдини олиш чоралари шахсий ва ижтимоий чоралардан иборат бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасалари билан биргаликда мактаб, милиция ҳодимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Мактабда ёшларга жинсий алоқа гигиенаси меъёрларидан сабоқ бериш, уларни фойдали меҳнат билан таъминлаш, милиция ҳодимлари томонидан махфий ишратхоналарни фош қилиш, режа асосида оширилган тиббий кўриқларни жорий қилиш ана шунлар жумласидандир.

Шахсий профилактиканинг асосларидан бири тасодифий алоқалардан воз кечиш ва жинсий бузуқчилик йўлига кирмаслиқдир. Никохсиз ва тартибсиз жинсий ҳаёт кечирувчиларда таносил касалликлар билан касалланиш хавфи айниқса, катта бўлади.

Юқоридаги чора-тадбирларга амал қилган ҳолдаги таносил касалликларининг олдини олган, ҳаётингизни эса беташвиш қилган бўласиз.

Шароф ИБРОХИМОВ,
Тошкент шаҳридаги 6-тери-таносил касалликларни диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси, Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Тошкент шаҳрининг Бизнес-Фонд бошқармаси кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, технологик ускуна ва жиҳозлар олиш учун миллий ва эркин алмаштириладиган валютада кредитлар олиш учун инвестиция таклифлари қабул қилишни давом эттирмоқдалар. Кредитлар олиш шартлари ва маслаҳатларини Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан олиш мумкин.

Манзил: 700015, Тошкент,
Госпитальный мавзеси, 12.
Телефонлар: 54-04-87, 55-56-33,
133-27-07, 136-33-31.



ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР, АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИДАГИ 306-КЎП ЙЎНАЛИШЛИ ЛИЦЕЙ 1998 — 99 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАНЛОВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

306-лицей ёшларни техник, иқтисод, биология, кимё (экология), банк йўналиши танлаган ихтисосликларни бўйича олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш мақсадида чуқур ва мукамал таълим беради. Лицейнинг барча бўлимлари бўйича ўқувчиларни 7, 8-синфларга танлаш шу йил 28 июнь куни бўлиб ўтади.

Танлов техник йўналишдаги синфлар учун ОНА ТИЛИ ва АДАБИЁТ, ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА.

Иқтисод йўналишдаги синфларга кириш учун ОНА ТИЛИ ва АДАБИЁТ, МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ (инглиз тили).

Биология-кимё (экология) йўналишидаги синфлар учун ОНА ТИЛИ ва АДАБИЁТ, БИОЛОГИЯ, ФИЗИКА.

Банк синфлари учун 9-синфга МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ (инглиз тили), ИҚТИСОД АСОСЛАРИ, ПСИХОЛОГИЯ фанларидан махсус тестлар ёрдамида тест-синови ўтказилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

Лицей директори номига ариза, 6, 7-синф табелидан кўчирма, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма,

тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, турар жойидан маълумотнома. ҲУҶЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАПТИ.

ЛИЦЕЙДА ЎҚИШ ДАВЛАТ ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, 31-мавзе — «Ал-Хоразмий» мавзеси. 87, 69, 94, 13-автобуслар: 11, 19-троллейбусларнинг охири «Ал-Хоразмий» бекати.

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ, ФИРМА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида Дон ва дон маҳсулотлари ҳамда қурилиш моллари ва сантехника жиҳозлари билан улгуржи-чакана савдо қилувчи ягона, ихтисослашган бозор ташкил этилмоқда. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар, савдо расталари, омборхона, қулай йўлақлар, маҳсулот солиш учун контейнерлар, маиший хоналар, автотароз ва савдо жиҳозлари мавжуд. Бозоримиз ўз фаолиятини 1998 йил 25 майдан бошлайди. Бозоримизга марҳамат!

Манзилимиз: Акмал Икромов тумани, Уйғур кўча, 487-уй. Автобуслар: 53, 35, 46, 20, 171, 185, 87 ва ҳоказо. Сабзавот базаси (собиқ Оқтепа) бекати, 1-сон Мева-сабзавот комбинати (1-ПОК) ҳудудиди.

«Тошкент таъмирлаш-қурилиш» очик турдаги акциядорлик жамоаси жамoa бош директори Озод Ҳожиёвни Асқаровга падари бузруквор.

Ҳожи ота АСҚАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ижроия маҳмаси Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш Бош бошқармасининг бошлиғи Собир Қаримовни Сандармоғовга акаси

Устам МУКАРРАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълолар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба ва ҳула кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.